

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БЕРДИБАЕВА САОДАТ УЛУГБЕКОВНА

**НАСЛИЙ МОТОСЕНСОР НЕЙРОПАТИЯЛАРНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ, ТАШХИСЛАШ,
ДАВОЛАШНИ КЛИНИКО-НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13–Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Бердибаева Саодат Улугбековна

Наслий мотосенсор нейропатияларни оптималлаштириш
масалалари, ташхислаш, даволашни клинко-нейрофизиологик
хусусиятлари 3

Бердибаева Саодат Улугбековна

Клинко-нейрофизиологические особенности наследственной
мотосенсорной нейропатии, вопросы оптимизации диагностики
и терапии..... 25

Berdibayeva Saodat Ulugbekovna

Clinical and neurophysiological features of hereditary motosensory
neuropathy, issues of optimizing diagnosis and therapy 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БЕРДИБАЕВА САОДАТ УЛУГБЕКОВНА

**НАСЛИЙ МОТОСЕНСОР НЕЙРОПАТИЯЛАРНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ, ТАШХИСЛАШ,
ДАВОЛАШНИ КЛИНИКО-НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2.PhD/Tib1334 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидова Якутхон Набиевна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамансуров Шоанвар Шамуратович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти.

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44; e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ кuni тарқатилди.

(2022йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А.Акилов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г.Гафуров,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда бутун дунёда наслий ва ген касалликлари билан болаларни туғилиши бутун жамият учун тиббий ижтимоий иқтисодий ва психологик муаммо сифатида катта аҳамият касб этмокда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «.. 10–15% га яқин янги туғилган чақалоқларда туғма ва ирсий касалликлар мавжуд бўлади. Уларнинг тахминан ярмида эрта болалар ўлими ва ногиронликнинг учраши турли генетик сабабларга боғлиқ. Аниқланишича, болалар шифохоналарининг 30–40% ётиб даволаниш фондини генетик касалликлар билан оғриган беморлар доимий равишда эгаллаб туради. Бундай беморларни бир неча марта шифохонага ётқизиш талаб этилиб, уларни даволаш қийин кечади».¹ Шу сабабли наслий мотосенсор нейропатияли беморларда касалликнинг илк клиник белгиларини эрта аниқлаш, клиник-неврологик ва нейрофизиологик хусусиятларини ташхислаш орқали самарали даволаш тартибини такомиллаштириш неврологиянинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болалар наслий мотосенсор нейропатиялари (НМСН)ни ташхислаш ва даволаш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмокда. Бу борада наслий генетик ва ноёб (орфан) касалликларига чалинган болаларни ўз вақтида ташхислаш ва даволаш ва хар томонлама соғломлаштиришга қаратилган, замонавий текшириш усулларидан фойдаланган ҳолда анамнестик, клиник-генеалогик, генетик тадқиқот усуллари, шунингдек мушаклар ва нервларни гистологик, иммунологик ва иммуногистокимёвий таҳлил билан морфологик текширувлар мажмуаси зарурлиги таклиф этилган ташхисот усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган клиник-неврологик, нейрофизиологик хусусиятларини оптималлаштириш ҳамда самарали даволаш тартибини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмокда. НМСНнинг клиник-нейрофизиологик ва генетик, биокимёвий хусусиятларини аниқлаш, ташхисоти ва терапиясини оптималлаштириш масалаларини ишлаб чиқиш масалаларига катта эътибор берилмокда.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмокда. Бу борада «...юқумли бўлмаган касалликлар ривожланиш омилларини, шу жумладан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида хавф остидаги гуруҳга кирадиган беморлар орасида диспансеризация ва скрининг-тадқиқотларни, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий этиш, реабилитация тиббиётини ривожлантириш, «уйда стационар» хизматини кенгайтириш

¹ЖССТХужжатлар маркази. – 2016. http://www.who.int/nutrition/media_page/backgrounders_1_rus.pdf

орқали эрта аниқлаш»²каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда наслий мотосенсор нейропатияларнинг клинико-патогенетик ва нейрофизиологик хусусиятларининг аниқ диагностикаси, беморларни эффектив даволаш самарадорлигини оширишни ишлаб чиқиш, наслий касалликлар асоратини камайтириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 7 сентябрдаги ПФ-4440-сон «Ноёб (орфан) ва бошқа наслий генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари», 2021йил 12 ноябрдаги ПФ- 9 сон "Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" фармонлари, 2018 йил 30 августдаги ПҚ–3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида» 2021 йил 20 июлдаги ПҚ–5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади .

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Наслий мотосенсор нейропатиялар оғир генетик гетероген касалик бўлиб у периферик нерв тизимини зарарланиши билан кечади ва клиник полиморф касаллик сифатида намоён бўлади (Adams D., 2016).бу касалликда периферик асаб тизимининг типик дистал зарарланиш даражасини батафсил клиник ва неврологик тавсифи таклиф этилган (Casares-Crespo L., 2018). НМСНни ташхислашда клиник электронейромиография усулини ва касалликни турли босқичларида миелин ва аксонопатик ўзгаришларни аниқлаш учун узок муддатли ЭМГ-мониторингини етакчи усуллари сифатида таклиф этилган (BalkeM., Wunderlich G., Brunnetal A., 2016). НМСН билан оғриган беморларда бош миянинг магнит-резонанс томографиясини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, унда миянинг оқ моддасида вақтинчалик ўзгаришларни кейинчалик тўлиқ клиник тикланиши аниқланди (Allen J., 2017; Дадали Е.Л., Макаов А.Х., Галкина В.А. 2016). НМСНни аниқ ташхислаш бўйича олиб борган тадқиқотларида анамнестик, клиник-генеалогик, генетик, клиник-неврологик, нейрофизиологик тадқиқот усуллари, шунингдек мушаклар ва нервларни

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдагиПФ–5590 сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

гистологик, иммунологик ва иммуногистохимёвий таҳлил билан морфологик текширувлар мажмуаси зарурлиги таклиф этилган (ХіеС. et al., 2016; Kim J., 2017). Периферик нервларнинг клиник, нейрофизиологик ва сонографик текширувлари комбинациясидан фойдаланган ҳолда НМСНни тўғри дифференциал ташхис қилиш имконини беради (Дружинин Д.С., 2019).

Шундай қилиб, НМСНнинг эрта ташхисоти касаллик ривожланиши суръатини секинлаштиришга ёрдам берадиган терапевтик ва реабилитация чораларини ўз вақтида кўриш, наслий генетик ва ноёб (орфан) касалликларига чалинган болаларни ўз вақтида ташхислаш ва даволашга қаратилган, замонавий текшириш усулларида фойдаланиб клиник-неврологик ва нейрофизиологик хусусиятларини оптималлаштириш ва самарали даволаш тартибини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан периферик нерв системасининг ген мутацияси туфайли келиб чиқадиган наслий мотосенсор нейропатия касаллиги патогенези етарли ўрганилмаган ва диагностикаси мураккаблиги жиддий муаммо ҳисобланади, бу эса ушбу патологиянинг самарали даволаш усуллари ва ташхисоти кейинги тадқиқотларни талаб қилади, НМСН касаллиги бўлган беморларда касалликнинг прогрессив кечиши клинко-неврологик ва нейрофизиологик хусусиятларини аниқлашга қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асаб касалликларнинг қон-томир, яллиғланиш, дегенератив ва наслий нерв мушак касалликларнинг патогенетик хусусиятлари» мавзусидаги илмий йўналишдоирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади НМСНнинг клиник-нейрофизиологик ва биохимёвий хусусиятларини аниқлаш, ташхисоти ва терапиясини оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

НМСН ли беморларни анамнестик маълумотларини ҳисобга олган ҳолда улар орасида гениологик таҳлил ўтказиш ;

НМСНнинг клиник хусусиятларини нейроинфекция асоратлари билан қиёслаш;

НМСН билан оғриган болалар ва нейроинфекция асоратлари мавжуд болаларда КФК, ЛДГ ва қон микроэлементлари (кальций, магний, фосфор)нинг биохимёвий ўзгаришларни баҳолаш;

НМСН ва нейроинфекция асоратлари мавжуд болаларда ЭНМГ хусусиятларини қиёсий жиҳатдан баҳолаш ташхисот мезонларини ишлаб чиқиш;

ташхисот ва терапевтик алгоритмни ишлаб чиқиш орқали НМСН билан касалланган болалар эрта ташхисот ва терапиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган НМСН ташхиси қўйилган 70 та ва нейроинфекция асоратлари мавжуд 30 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предметини неврологик текширув натижалари, веноз қон, электронейромиография текшируви маълумотлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик текширувлар, нейрофизиологик (ЭНМГ), қоннинг биокимёвий текшируви (Криатининфосфокиназа, Лактатдегидрогеназа, микроэлементлар Са, Mg, Р.) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

наслий мотосенсор нейропатиялар билан касалланган болалар гениалогик шажарасини шархлашда аутосом доминант тип устунлик қилиши ҳамда гетерозиготали ҳолатларда оғир кечиши исботланган;

наслий мотосенсор нейропатияларда сезгининг барча турлари бузилиши (юзаки ва чуқур) полиневротик типда бўлиб, нейроинфекция асоратларида юзаки сезги бузилишлари аниқланган;

инфекцион генезли нейропатияларда жараён тўлиқ тикланиши, наслий нейропатияларда мушакларнинг мотор ва сезги бузилишлари хисобига секин прогрессив орқага қайтмас жараён ривожланиши аниқланган;

наслий мотосенсор нейропатиялар клиник ривожланиши эрта предикторлари булган мушак маркерларининг ташхисот кўрсаткичлари (Криатининфосфокиназа, Лактатдегидрагиназа ва кальций, магний фосфор алмашинуви) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Резидуал латентлик кўрсаткичлари, периферик нервларнинг турли қисмларида импульс ўтказиш тезлиги, М-жавобнинг амплитудаси ва давомийлиги ҳисобга олинган ҳолда электромиографик тадқиқот усуллариининг юқори ташхисот самарадорлиги исботланган;

амалий соғлиқни сақлаш учун болаларда ушбу патология ривожланишининг дастлабки босқичларида ташхисот ва дифференциал ташхисот усуллари таклиф этилган;

НМСНнинг биокимёвий ва нейрофизиологик мезонлари ишлаб чиқилган ҳамда болаларда учрайдиган ушбу патология бўйича профилактик ва терапевтик чора-тадбирлар таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи, тўғри бажарилган клиник, лаборатория, нейрофизиологик ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, илмий тадқиқот натижаларининг маҳаллий ва халқаро тадқиқотчиларнинг клиник ва неврологик параллелларни ўрганиш борасидаги тажрибалари билан таққосланганлиги, НМСНнинг клиник–неврологик, прогностик хусусиятлари ва уларни коррекциялаш усуллари оптималлаштирилганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти НМСНнинг турли клиник кечишида патофизиологик механизмларнинг кенгайганлиги, уларнинг динамикаси

аниқлаштирилганлиги, ушбу патология ташхисоти ва дифференциал ташхисотининг аниқ мезонлари белгилаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти НМСН дифференциал ташхисоти мезонлари ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, эрта ташхис қўйиш ва адекват терапияни ўз вақтида бошлашда катта ёрдам берадиган комплекс ташхисотнинг оптимал алгоритми яратилганлиги, бу ремиссия ва ногиронликка чиқиш даврини узайтириш орқали даволаш натижаларини яхшилаганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда НМСНни эрта ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

наслий мотосенсор нейропатия ташхиси аниқланган беморларда диагностика усуллари оптималлаштириш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Наслий мотосенсор нейропатияни диагностик алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 17 февралдаги 8н-з/71-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда ташхисот, дифференциал ташхисот ва адекват даволаш сифатини ошириш имконини берган;

наслий мотосенсор нейропатия ташхиси бўлган беморларни комплекс даволаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Наслий мотосенсор нейропатияни даволаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 17 февралдаги 8н-з/71-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома даволашнинг иқтисодий, тиббий ва ижтимоий самарадорлигини ошириш, энг кам харажат ва асоратлар ривожланиши хавфи билан кўпроқ беморларга ёрдам бериш, НМСН билан касалланган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

болаларда НМСН ни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Самарқанд тиббиёт институти, У.Қ.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб шифохонаси ва Бухоро вилояти «Насриддин Шамс Мед» хусусий клиникаси амалиётларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 1 июлдаги 08-19173-сон маълумотномаси). Таклиф этилган услубий тавсияномалар болаларда наслий мотосенсор нейропатияни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш ва стандартлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий амалий анжуманларда, жумладан 2 халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та

мақолалар, жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, ишончлилиги асосланган, шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Наслий мотосенсор нейропатиялар ҳақидаги замонавий тушунчалар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётларнинг аналитик шарҳи келтирилган бўлиб, ушбу патология этиологияси, патогенези, клиник кўринишлари, ташхисоти, дифференциал ташхисоти тамойиллари ва уни даволаш тактикаси ҳақидаги ҳозирги тушунчалар таҳлил қилинган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Наслий мотосенсор нейропатияларни оптималлаштириш масалалари, ташхислаш ва даволашни клинко-нейрофизиологик хусусиятлари тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи методологик ёндашувлар ва усуллар келтирилган.

Тадқиқот ҳар хил турдаги периферик нейропатиялар билан касалланган 70 нафар бемор текшируви натижаларига асосланган бўлиб, улар асосий гуруҳни ташкил қилди. Дифференциал ташхисот мезонларини белгилаш учун нейроинфекция асоратлари мавжуд ва оёқлар функцияси бузилган 30 нафар бемордан иборат таққослаш гуруҳи тузилди.

Кириши мезонлари: Оёқларда нормал ёки пасайган тонус билан бирга ўткир ва прогрессив ҳолсизликнинг мавжудлиги, GMFCS ва FMS мезонларига мувофиқлиги, гениалогик шажара билан тасдиқланган наслий мотосенсор нейропатия мавжудлиги.

Истисно қилиш мезонлари: қандли диабет ва бириктирувчи тўқима тизимли касалликлар билан боғлиқ НМСН, генетик жихатдан қандли диабет фонида метаболик полинейропатия, қалқонсимон безнинг шикастланиши, сурункали жигар ва буйрак касалликлари.

Тадқиқот усули— когорт-истикболли тадқиқот. Тадқиқот субъекти— тиббий хужжатлар (касаллик тарихлари, касаллик тарихларидан

кўчирмалар), анамнез, клиник баҳолаш, нейрофизиологик ва биокимёвий тадқиқотлар натижалари.

Нейрософт (Россия) аппарати ёрдамида электронейрофизиологик тадқиқот ўтказилди. Ҳаракатга келтирувчи толаларни ўрганиш методикаси периферик нервларнинг ҳаракатлантирувчи нуқталарини (нерв тери юзасига энг яқин жойлашган жойларни) 0,05–0,5 мс узунликдаги тўртбурчак импульсли биполяр стимулятор электрод билан қўзғатишдан иборат бўлиб, бунда катод аноддан узокроқда жойлашади (антидромик электр стимуляцияси усули).

Биокимёвий тадқиқотлар DiguiCS-300В ускунасида амалга оширилиб, у соатига 300 тагача тест ўтказиш қобилияти билан ажралиб туради. Текширув бемор болаларда кальций, магний ва фосфор, шунингдек, АЛТ (аланинтрансфераза), АСТ (аспартаттрансфераза), КФК (креатинфосфокиназа), ЛДГ (лактатдегидрогеназа) ва ишқорий фосфатаза таркибини терапиядан олдин ва кейин ўрганишни ўз ичига олиб, натижалар соғлом болалар билан солиштирилди.

Патогенетик терапия олаётган НМСН билан оғриган беморлар белгиланган баённомага мувофиқ қабул пайтида ва даволаш курси тугагандан сўнг (ўртача 1,5–2 ойдан кейин) текширувдан ўтказилди.

Кузатув баённомасига неврологик ҳолат баҳоси, ҳаракатлантирувчи функцияларнинг махсус тестлари, электрофизиологик ва биокимёвий кўрсаткичлар киритилди.

Бемор болаларнинг ёши 5–14 ёшни ташкил этиб, 51% ўғил бола, 49% қиз боладан иборат бўлди.

Текширувдан ўтказилган беморларнинг ўртача ёши $8,6 \pm 3,1$ (95% ИО: 8,0–9,2) йилни, касалликнинг ўртача давомийлиги $4,5 \pm 2,9$ (95% ИО: 3,9–5,1) йилни ташкил этди. Кузатиш гуруҳлари жинс ва ёш хусусиятлари ҳамда одам сони бўйича таққосланди ($p \leq 0,05$).

НМСН билан оғриган беморлар бироз каттароқ бўлишига қарамай, биз текширган гуруҳлар ёш бўйича бир-бирига мос келди. Нейроинфекция асоратлари (НИА) мавжуд беморлар орасида ўғил болалар, НМСН билан касалланган беморлар орасида қизлар сони устунлик қилиб, фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлди. НИА мавжуд болаларда касалликнинг ўртача давомийлиги юқорироқ бўлиб, $6,3 \pm 4,2$ (95% ИО: 4,5–8,0) йилни, НМСН билан касалланган болаларда эса $3,9 \pm 2,0$ (95% ИО: 3,4–4,3) йилни ташкил этди.

Олинган маълумотларга Pentium-4 шахсий компьютерида статистик функциялар кутубхонасидан фойдаланган ҳолда EXCEL пакетида ишлаб чиқилган дастурлар ёрдамида статистик ишлов берилди. Ўртача қийматлардаги фарқлар $p < 0,05$ аҳамиятлилиқ даражасида ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Наслий мотосенсор нейропатиянинг клиник кечиши характеристикаси**» деб номланган учинчи бобида НМСН нинг клинко гениологик таҳлил натижалари ва НМСН ва НИАнинг дифференциал ташхисот хусусиятлари ва касалликнинг давомийлиги ва

огирлигини прогностик ахамиятини баҳолаш учун логистик регрессия усули келтирилган. 68 та оиланинг 70 нафар фарзандлари орасида гениологик таҳлил утказилди, улар орасида суровнома утказилиб насл насаб шажараси тузилди. Натижада 53 та оилада 55 нафар беморда касаллик оилавий характерга эга қолган 15 та оилада (15 нафар бемор) касаллик даврий характерга эга эканлиги аниқланди.

Кўрик вақтида шикоятлар тингланганда (1-жадвал) НМСН билан оғриган беморлар кўпроққадам ташлашнинг бузилиши (91,4%болалар)дан шикоят қилишган.

1- жадвал

Беморларнинг шикоятлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Ташхис		p
	НМСН	МЭА	
Вегето-трофикбузилишлар	61,4	23,3	<0,001
Қадам ташлашнинг бузилиши	91,4	73,3	0,026
Тез-тезйиқилиб тушиш	51,4	10	<0,001
Оёқлар ҳолсизлиги	55,7	63,3	0,479
Ҳаракатларнинг чекланганлиги	27,1	66,7	<0,001
Тез толиқиш	52,9	36,7	0,479
Оёқларда оғрик	62,9	0	<0,001
Оёқларнинг увишиб қолиши	55,7	33,3	0,040
КМСдеформацияси	72,9	66,7	0,532


НИА билан оғриган беморлар шикоятлари НМСН гуруҳидаги беморларники билан солиштирилганда қуйидаги фарқлар аниқланди. НИА мавжуд беморларда вегето-трофик бузилишлар деярли 3 баравар кам (ИН=0,191; 95% ИО: 0,072–0,506) учраб, 23,3% ни ташкил этди. Қадам ташлашнинг бузилишига келсак, шуни таъкидлаш керакки, беморларнинг ярмидан кўпи (56,7%) мустақил равишда ҳаракат қилмаган, қолган 13 нафар беморда эса қадам ташлашнинг бузилиши бироз камроқ беморларда (p=0,026) содир бўлган ва 73,3% ташкил этган. Бунда, бу беморлар орасида фақат 10% тез-тез йиқилиб тушишдан шикоят қилган. Оёқлар ҳолсизлиги НИА мавжуд болаларнинг 63,3% да қайд этилиб, бу НМСН билан оғриган болаларга қараганда бир оз юқори (p=0,479) бўлган (95% ИО: 0,570–3,309). НИА мавжуд болалар орасида тез толиқиш бироз камроқ учраган (ИН=0,728; 95% ИО: 0,302–1,755) ва 36,7% ни ташкил этган (p=0,479), аммо НИА мавжуд беморларнинг 66,7% (p<0,001) сезиларли даражада кўпроқ (2 мартадан ортиқ) ҳаракатларнинг чекланишидан шикоят қилишган (95% ИО: 1,869–11,654). Беморларнинг 1/3 қисмини сезувчанликнинг бузилиши безовта қилган, бу НМСН билан оғриган беморларга қараганда статистик жиҳатдан сезиларли даражада кам бўлган (ИН=0,397; 95% ИО: 0,163–0,971), бунда НИА мавжуд болаларнинг деярли ҳеч бири оёқ оғриғидан шикоят қилмаган. Суяк тизими деформацияларига келсак, бу ҳолда улар камроқ кузатилган (ИН=0,745; 95% ИО: 0,296–1,877) ва 66,7% ни ташкил этган, аммо фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлган (p=0,532).

Қўллар тонуси текширилганда, маълум даражада статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланди. Масалан, НМСНда периферик нерв тизими шикастланишини ҳисобга олсак, беморларнинг 37,1% да тонуснинг пасайиши, бунда беморларнинг 32,9% да гипотония, қолган 4,3% да эса атония кузатилган.

НИА мавжуд беморларда хамасосан асаб тизимининг периферик қисмлари шикастланади ва, натижада, бу беморларда асосан тонуснинг пасайиши кузатилади, бизнинг тадқиқотимизда бу кўрсаткич 56,7% ни ташкил этган бўлса, НИА билан оғриган 23,3% болаларда тонус ўзгаришларсиз, 20% болаларда эса гипотония қайд этилди ($p < 0,001$).

Трофика масаласига келсак, бу ҳолатда гуруҳлар ўртасида фарқ қайд этилди. Наслий нейропатиялари мавжуд гуруҳ беморларининг ярмидан кўпида (60%) қўллар трофикаси бузилмаган, 35,7% беморда гипотрофия, 4,3% беморда эса атрофия кузатилди. НИА мавжуд гуруҳда, аксинча, фақат 20% болалардагина нормал трофика бўлди, тез-тез гипотрофия (43,3%) ва бироз камроқ атрофия (36,7%) кузатилди ($p < 0,001$). Пай рефлекслари текширилганда асаб тизими шикастланишининг ҳар хил турига хос хусусиятлар ҳам аниқланди. Масалан, НМСН билан оғриган беморларда бузилишлар орасида гипорефлексия устунлик қилган (41,4%), арефлексия эса беморларнинг атиги 4,3% да учраган, қолган 54,3% беморда рефлекслар кўзғалган. НИА билан оғриган беморларга келсак, бу ҳолда фақат 36,7% болалардагина рефлекслар пасайган. Беморлар орасида рефлекслар (63,3%), кузгалган. ($p < 0,001$).

Қўллардаги 9 тамушак гуруҳининг мушаклар кучи ҳам батафсил ўрганилди (1-расм).



1-расм. Текширилган болалар қўлларининг мушак кучи кўрсаткичлари

Кўриқдан ўтказиш давомида ҳар иккала қўлдаги мушаклар кучи текширилиб, заифроқ томоннинг кучи асос қилиб олинди. Олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда таххисга қараб мушаклар кучи солиштирилганда сезиларли фарқлар аниқланди ($p < 0,001$).


Кейинчалик, НМСНда биринчи навбатда зарарланадиган оёқларнинг ҳаракатланувчи соҳаси текширилди. НМСН билан касалланганда у нерв тизимининг периферик қисмига таъсир қилади, беморларнинг аксариятида – 92,9% беморда мушаклар тонусининг пасайиши кузатилди, бунда 85,7%

беморда гипотонус, 7,1% беморда атония аниқланган бўлса, қолган 7,1% беморда эса тонус ўзгаришларсиз кечди. НИА билан оғриган болаларда ҳам асосан нерв тизимининг периферик қисми шикастланади, шунинг учун мазкур беморларда асосан гипотонияни тонуснинг пасайиши аниқланади. Бизнинг тадқиқотимизда бу кўрсаткич 73,3% гатенг бўлган бўлса, НИА билан оғриган 23,3% болаларда тонус пасайган, 3,3% беморда эса атония қайд этилган ($p < 0,001$). НМСН билан оғриган гуруҳда беморларнинг ярмидан кўпида (61,4%) қўллар трофикаси пасайган, 35,7% беморда атрофия аниқланган, 2,9% беморда эса мушаклар нормал трофикага эга бўлган.

НИА мавжуд гуруҳда, аксинча, атиги 20% болаларда атрофия қайд этилди, шунингдек, НМСН дагидек кўпинча гипотрофия кузатилган (76,7%), фақат 3,3% бемордагина трофика нормал бўлган ($p = 0,297$).

Рефлектор соҳаси таҳлил қилинганда периферик парезларга хос бўлган статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланди. Шикастланишнинг периферик хусусияти ҳисобга олинганда беморлар орасида гипорефлексия (60%) устунлик қилди, бунда 6,7% болаларда эса арефлексия аниқланди ($p < 0,001$).

Кейинчалик, қўллардаги 9 та мушак гуруҳида мушаклар кучи тўлиқ текширувдан ўтказилди (2-расм).



2-расм. Текширилган болалар оёқларининг мушаклар кучи кўрсаткичлари

НМСН билан оғриган болаларда мушаклар кучининг ўртача балли (3,2 балл) НИА мавжуд болаларга қараганда сезиларли даражада юқори бўлди— 2,4 балл ($p < 0,001$), аммо чуқурроқ текширилганда мушакларнинг кучи проксимал гуруҳдан камайганлигини кўраемиз. Сон букилганда у 3,5 баллни, дистал гуруҳгача оёқ бармоқлари керилганда мушакларнинг кучи ўртача 2,8 баллни ташкил этди. Аксинча, НИА мавжуд болаларда дистал ва проксимал мушак гуруҳлари ўртасидаги мушак кучининг фарқи аҳамиятсиз бўлиб, кериш ўртача 2,3 дан 2,5 гача баллни ташкил этди.

Наслий нейропатияларда тез-тез шикастланадиган бошқа бир соҳа сезги соҳадир. Биз томонимиздан текширилган НМСН билан оғриган болаларда, уларнинг ҳаммаси ҳам сезги бузилишлардан шикоят қилмаган бўлсада,

текширув вақтида уларнинг деярли барчасида турли хил сезувчанлик бузилишлари аниқланди. Барча беморларда сезувчанликнинг бузилиши полиневрит типиди бўлган. Наслий нейропатия мавжуд болалардан фарқли ўлароқ, нейроинфекцияга чалинган болаларда сезувчанликнинг бузилишлари анча кам 40% болаларда аниқланган ва патология асосан юзаки сезувчанликка таъсир қилган. Шунингдек, бузилишнинг оғирлик даражасини аниқлаш учун биз оёқларда сезувчанликнинг шикастланиш даражасини ўргандик.

НИА мавжуд гуруҳдаги бузилиш асосан бармоқлар асоси (20%) ва оёқ кафтининг ўртаси (16,7%) даражасида бўлиб, тўпикдан баланд даражага кўтарилмаган (3,3%). Бошқа томондан, НМСН билан оғриган беморларнинг ярмидан бир оз камроғида (47,1%) сезувчанликнинг бузилиши оёқ кафтининг ўртаси даражасида, 20% беморда эса тўпик даражасида, фақат 5,7% бемордагина бармоқлар асоси даражасида бўлган.

НМСН гуруҳидаги сколиозли болалар сони НИАли беморлар гуруҳига қараганда 2 баравар кўп, фарқлар эса статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди (ИН=0,304; 95% ИО: 0,116–0,801). Ташхисга қараб оёқ кафти деформациясини таҳлил қилиш масаласига келсак, таққослаш пайтида олинган маълумотлардан келиб чиқиб, қуйидагича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланди ($p < 0,001$). Кўриб турганимиздек, НМСН билан оғриган болаларнинг атиги 3% да оёқ кафти ўзгармаган, НИАли беморлар гуруҳида эса беморларнинг учдан бир қисмида нормал оёқ кафти бўлган. НМСН билан оғриган беморларда олд мушак гуруҳлари атрофияси туфайли жараённинг давомийлиги ва оғирлигига боғлиқ бўлган деформациянинг махсус тури ривожланади. Дастлабки босқичда оёқ кафти одатда ковактипида бўлиб, бу бизнинг тадқиқотимизда 37,1% болаларда кузатилган. Узокроқ жараёнда оёқ кафти (25,7% болаларда) клюшкасимон шакл олади, Фридрейх оёқ кафти (34,3%) эса нейропатияларга хос. Бошқа томондан, НИА билан оғриган болалар орасида вальгус деформацияси типидидаги оёқ кафти бузилишлари (36,7%) устунлик қилган ва оғирроқ ҳолатларда оёқ кафти эквиварус типига кўра деформацияланган, Фридрейх оёқ кафти эса фақатгина 10% бемор болалардагина аниқланган.

НМСН билан оғриган бемор болаларнинг атиги 10% да қадам ташлаш нормал бўлиб, беморларнинг кўпчилигида (62,9% болаларда) степпаж, 14,3% беморда эса штампсимон қадам ташлаш аниқланган. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, НИА ли гуруҳдаги атиги 13 нафар бемор мустақил равишда ҳаракатлана олган. Бу беморларнинг 38,5% да гемипаретик, 61,5% болаларда эса паретик қадам ташлаш қайд этилган.

Ташхисга қараб GMFCS бузилиши даражасининг кўрсаткичлари солиштирилганда, баъзи фарқлар аниқланди, аммо улар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эди ($p = 0,169$). 1-даражали узғаришлар 80% НМСН ли болаларда аниқланди, НИА мавжуд беморларда эса бу кўрсаткич 86,7% ни ташкил қилди. 2 даражали мотор бузилишлар НИА мавжуд беморларга нисбатан 1,2 мартаба купрок учради ва диагностик аҳамиятга эга бўлмади. 3 даражали

бузилишлар фақат касаллик узок муддат давом этган НМСНли беморлардагина 4,3% аниқланди.


FMS шкаласи бўйича юриш функциясини баҳолашга келсак, бу ҳолда тақдим этилган жадвалга мувофиқ фарқлар ишончли. Масалан, FMS 5 таҳлил қилинганда, НМСН билан касалланган беморларнинг ўртача балли 3,5, НИА мавжуд болаларда эса бироз пастроқ балл 3,1ни ташкил этди ва фарқлар статистик жиҳатдан ишончли бўлиб ($p=0,037$), бу FMS 50 шкаласи –мос равишда 3,1 ва 2,6 балл ($p=0,042$) ва FMS 500 шкаласига ҳам тегишли – мос равишда 2,5 ва 2 балл ($p=0,026$).

Ташхисга қараб фосфор даражаси кўрсаткичлари солиштирилганда, НМСН билан оғриган беморларда у пастроқ бўлиб, ўртача $2,00\pm 1,42$ ммоль/л ни ташкил этганлиги аниқланди (95% ИО: 1,66–2,34). Шунингдек, магний даражаси баҳоланганда у ҳам НМСН билан оғриган беморлардаги каби сезиларли даражада паст бўлиб, $1,09\pm 0,41$ ммоль л (95% ИО: 0,99–1,19) га тенг бўлган, НИА мавжуд беморларда эса у нисбатан бироз баландроқ – $1,53\pm 0,82$ ммоль/л (95% ИО: 1,22–1,84) ни ташкил этган.

Биз текширувдан ўтказган НМСН билан оғриган болаларда КФК изоферментларининг нисбати – ВВ:ВМ:ММ = 0:12:88 (норма 0:6:94). Изоферментларнинг бундай нотекис тақсимланиши, афтидан, аксон ва дендритларнинг қисқариш аппаратида иштирок этадиган, миофиламентларга таъсир қилувчи ва Шван хужайраларининг аксоплазматик оқимини тезлаштирадиган ноорганик микроэлементларнинг нерв тизими хужайраларига етарли даражада тушмаслиги билан изоҳланади.

Лактатдегидрогеназа фаоллиги ўрганилганда НМСНдаунинг статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошганлиги ва $466,39\pm 155,40$ б/л (95% ИО: 429,33–503,44) ни ташкил этганлиги аниқланди.

ЭНМГ маълумотларига кўра, 34 (48,6%) беморда аксонал, 19 (27,1%) беморда аксонал-демиелинацияланувчи шикастланиш белгилари ва 17 (24,3%) беморда демиелинацияланувчи турикузатилди (3-расм). Шикастланиш тури бўйича ЭНМГ маълумотлари таҳлил қилинганда, касалликнинг давомийлигига қараб, қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди. Кўриб турганимиздек, ҳар иккала гуруҳда ҳам шикастланишнинг аксонал типи устунлик қилди: А гуруҳда – 40% ва Б гуруҳда бир оз кўпроқ – 57,1%. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, А гуруҳда шикастланишнинг демиелинацияланувчи тури тез-тез – 37,1%, Б гуруҳда эса бу турдаги бузилишлар камроқ – фақат 11,4% ҳолларда учраган ва, аксинча, шикастланишнинг аксонал-демиелинацияланувчи тури Б гуруҳда тез-тез учраган – 31,4%, А гуруҳда эса бу кўрсаткич бироз пастроқ – 22,9% бўлган.



3-расм. Текширилган болалар орасида ЭНМГ тадқиқотларининг аниқланган хусусиятлари

Оёқларнинг мотор ва сенсор толалари бўйича тезлик кўрсаткичлари Б гуруҳда пастроқ бўлган, бунда *n. Plantaris medianus* сенсор толалари, *n. Tibialis* мотор толалари бўйича импульс ўтказиш тезлиги кўрсаткичлари борасида биз сезиларли фарқ топа олмадик (мос равишда $p=0,308$ ва $p=0,228$). Шу билан бирга, амплитуда кўрсаткичларини баҳолаш масаласига келсак, бу ҳолда, Б гуруҳ беморларининг *n. Tibialis* М-жавоб амплитудаси (0,33 мВ) А гуруҳга қараганда сезиларли даражада камроқ бўлган– 1,02 мВ ($p=0,002$), шунингдек, *n. Plantaris medianus* сенсор жавоб амплитудаси А гуруҳда (2,74 мВ) Б гуруҳга қараганда статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори бўлган– 0,83 мВ ($p=0,009$).

Шундай қилиб, касалликнинг эрта босқичида импульс ўтказиш тезлиги жиддий ўзгармайди; М-жавоб амплитудаси 30% ёки ундан кўпроққа кескин камайиши кузатилади; М-жавобнинг давомийлиги 30% ёки ундан кўпроққа қисқаради; шакли ўзгармайди. Болаларда НМСН авж олган босқичда, мотор ва сенсор толалар бўйлаб импульс ўтказиш тезлиги 25% ёки ундан кўпроққа диффуз пасайиши кузатилади; М-жавоб ва сенсор жавоб потенциали – тишли, деформацияланган, «чўзилган».

Биз касалликнинг давомийлиги ва GMFCS ва FMS шкаласи бўйича баллар бўйича улар орасидаги боғлиқликни жуфт чизикли регрессиядан фойдаланган ҳолда корреляция таҳлили утказдик. 2-жадвалдан куришиб турибдики, FMS шкаласида сезиларли зичлик орасида боғлиқлик, GMFCS шкаласида булса боғлиқлик юқорилиги кузатилди. Масалан, FMS 5 шкаласи бўйича 1баллга пасайиши касалликнинг давомийлиги 1,9 йилга ошиши билан кузатилиши мумкин, FMS 50 - 2,3 йилга, FMS500-1,5йилга, GMFCS шкаласида 1 баллга кутарилиб, касалликнинг давомийлиги 1,6 йилга кутарилди. (кузатилган дисперсия 77,3%).

**Касалликнинг давомийлиги ва юришни баҳолаш шкаласи орасидаги
боғлиқлик.**

Кўрсаткич	Кореляцион боғлиқлик характеристикаси		
	r_{xy}	Чеддок шкаласи бўйича боғланиш мустаҳкамлиги	p
GMFCS	0,879	Юкори	< 0,001
FMS 5	-0,683	Сезиларли	< 0,001
FMS 50	-0,605	Сезиларли	< 0,001
FMS 500	-0,574	Сезиларли	< 0,001

Нейропатик синдромни огирлик даражасини таккослаш мақсадида NIS шкаласи кулланилди, ва бунда Б гуруҳдаги беморларнинг ахволи А гуруҳдаги беморларга караганда огирлиги аниқланди ва шкала бўйича умумий балл 18,9 ва мос равишда 10,2 балл (2- жадвал.). Хар бир улчовлар хақида алоҳида алоҳида маълумот бериш мумкин. Бу ҳолатда Б гуруҳдагиларнинг симптомларининг огирлиги юкорилиги аниқланди.

Мушакларнинг заифлигини давомийлигига қараб таҳлил қилишда а гуруҳи – 1,2 балл ва б гуруҳи – 2,8 балл ($p < 0,001$) ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланди. Касалликнинг турли давомийлигидаги гуруҳларда пай рефлексларини баҳолашни таҳлил қилишда биз томондан олинган маълумотларга асосланиб, а гуруҳи – 1,1 балл ва Б гуруҳи – 1,5 балл ($p < 0,001$) ўртасида сезиларли фарқлар аниқланди.

Касалликнинг нисбий давомийлигидаги юзаки сезгининг бузилишларини таққослашда а гуруҳи – 3 балл ва Б гуруҳи – 4,1 балл ($p < 0,001$) ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланди. Олинган маълумотларга асосланиб, давомийлик тақсимотига қараб 1 бармоқнинг тебраниш сезгирлигини таққослашда а гуруҳи – 2 балл ва Б гуруҳи – 1,6 балл ($p < 3,4$) ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланди.001).

Оёқ панжасининг вибрацион сезгирлигини таққослашда, давомийлик тақсимотига қараб, А гуруҳи – 3 балл ва Б гуруҳи – 1,1 балл ($p < 3,9$) ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар деярли 0,001 марта топилди. Давомийлик тақсимотига қараб ҳаракатлар амплитудасини баҳолашни таҳлил қилиш натижасида биз а гуруҳи – 2 балл ва Б гуруҳи – 1,2 балл ($p < 3,2$) ўртасида 0,001 мартадан кўпроқ статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни аниқладик. Биз томонимиздан олинган маълумотларга кўра, юриш функциясини давомийлигини тақсимлашга қараб баҳолашни таққослашда а гуруҳи – 2 балл ва Б гуруҳи – 1,1 балл ($p < 2,9$) ўртасида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар 2,001 мартадан кўпроқ аниқланди.

Боғланган чизиқли регрессия тенгламаси бўйича касалликнинг давомийлиги ва NIS баллари йиғиндиси ўртасидаги муносабатларнинг корреляцион таҳлили тўғридан-тўғри жуда юкори яқинлик муносабатини аниқлади ($r_{xy}=0.922$; $p < 0.001$). Касалликнинг давомийлиги 1 йилга кўпайиши билан NIS баллари йиғиндисининг 2539 баллга ўсишини кутиш керак ва ушбу model кузатилган дисперсиянинг 85,0% ни тушунтиради.

Биз NIS баллари йиғиндисининг бошқа шкалалар ва нейрофизиологик кўрсаткичлар билан боғлиқлигини корреляцион таҳлил қилдик. Бунда

GMFCS шкаласининг NIS шкаласига боғлиқлигини таҳлил қилганда, тўғридан-тўғри юқори боғлиқлик аниқланди, (0,832), бу NIS шкаласини 4,2 балл билан ўсишини GMFCS 1 балл билан оширишни кутиш кераклигини кўрсатади ва натижада олинган model кузатилган дисперсиянинг 69,1% ни тушунтиради. FMS ва NIS шкалалари ўртасидаги аниқланган қарама-қаршилик тескари ва шу билан бирга сезиларли зичликка эгаллиги аниқланди. Масалан, FMS 5 нинг 1 баллга пасайиши NIS баллари йиғиндисини 4,8 баллга (намунанинг 38,9%), FMS 50 нинг 1 баллга пасайиши NIS нинг 5,689 га ошишига олиб келади ва FMS 500 ҳолатида NIS нинг ўсиши кутилмоқда. NIS 3,7 балл билан (иккала ҳолатда ҳам намунанинг 30% дан ошмаслиги керак).

Нейрофизиологик кўрсаткичларга келсак, бу ҳолда боғлиқлик шкалалар уртасидаги ҳолатда бўлгани каби аниқ эмас, мотор ва сенсор толалардан тезлик кўрсаткичларига боғлиқликни баҳолашда. заиф ва тескари корреляция топилган ва маълумотлар ишончсизлиги кузатилган. Амплитуда кўрсаткичлари ва NIS шкаласи ўртасидаги муносабатлар ҳам тескари ва ўртача зичликка эгаллиги аниқланди.

Калцийни таҳлил қилишда а гуруҳида калций даражаси юқорилиги аниқланди ва 4,5 мг/дл ни ташкил этди, б гуруҳида эса – 3,11 мг/дл, фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли хисобланади ($p < 0,001$).

